



## ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 5911,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 5808,8 млрд. сўмни, овчиликда 0,1 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 78,9 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 8,7 млрд. сўмни (103,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 15,2 млрд. сўмни (127,4 фоиз) ташкил қилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида (млрд.сўмда)



(фоизда)




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) умумий ҳажмининг 76,6 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 20,8 фоизи фермер хўжаликларига ва 2,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)



**Дехқончилик.** 2018 йилнинг январь-сентябрида деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3915,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 99,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 66,2 фоизни ташкил этди.

**Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)**




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар деҳқончилик маҳсулотлар умумий ҳажмининг 69,9 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига 28,7 фоизи фермер хўжаликларига ва 1,4 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.



**Ҳосил йиғими.** 2018 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан дон ва дуккакли дон 510340 тонна (83,3 фоиз), картошка 279524 тонна (106,8 фоиз), сабзавот 884836 тонна (107,6 фоиз), полиз 188621 тонна (107,1 фоиз), мева 120827 тонна (106,7 фоиз) ва узум 102229 тонна (104,1 фоиз) етиштирилди.

Барча ҳудудларда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, дон ва дуккакли дон ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,3 фоизни, картошка ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, сабзавот ишлаб чиқаришда 99,5 фоизни, полиз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 99,3 фоизни, мева ишлаб чиқаришда 99,3 фоизни ва узум ишлаб чиқаришда 99,3 фоизни ташкил этди.

#### Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши




**Чорвачилик.** 2018 йилнинг январь-сентябрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1893,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 32,0 фоизни ташкил этди.


2018 йил 1 сентябрь ҳолатига 2017 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 105,4 фоизга (жами 879,6 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 95,6 фоизга (321,0 минг бош), қўй ва эчкилар 102,9 фоизга (2158,6 минг бош), паррандалар 117,0 фоизга (4117,4 минг бошга) кўпайди.



Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,7 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,1 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 4,5 фоизни, қўй ва эчкилар 84,5 ва 13,0 фоизни, отлар 80,7 ва 16,8 фоизни, паррандалар 58,2 ва 17,1 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари ва паррандалар бош сони (минг бош)**





2018 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 123,1 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,6 фоизга кўп), 548,8 минг тонна сут (5,6 фоизга кўп), 288,7 млн. дона тухум (32,9 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.




**2018 йил январь-сентябрь ойларида  
ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда)</b>	<b>123,1</b>	<b>104,6</b>
<b>Соғиб олинган сут</b>	<b>548,8</b>	<b>105,6</b>
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>288,7</b>	<b>132,9</b>


Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,2 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 67,9 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида  
чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби  
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)**



- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**2018 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда  
чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**



**Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasining**  
**Qishloq xo'jaligi va ekologiya statistikasi bo'limi**  
 Nashr uchun mas'ul: A.Dusnazarov  
 Aloqa telefoni: (0371) 230-85-77  
 (0376) 223-06-98